

## ТАЪЗИЯ

# ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



14:20 / 28.07.2022 1499

Аллома, мураббий, бир қанча китоб ва таҳқиқлар муаллифи, раббоний олим Абу Бакр Аданий ибн Али ҳазратлари фоний дунёдан охират диёрига риҳлат қилдилар.

Бу киши имом Бутий раҳимахуллоҳнинг яқин дўстларидан бўлиб, Яманда ўнлаб тарбиявий таълим масканлари ва ўқув марказлари очган инсон эдилар.

Алломанинг вафоти муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, шогирдларига, қариндош-уруғларига, яқинларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳум алломанинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин, хизматларини муносиб тақдирлаб, жаннатнинг олий даражаларига етказсин, шаҳидлар, сиддиқлар ва набийлар билан бирга қилсин!

**Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!**

**«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ва Islom.uz портали жамоаси**